



# ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 20 март, чоршанба

№22 (11.410)

Эркин нархда сотилади

## НАВРЎЗ МУБОРАК, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

### ЯНГИ КУН — УЙҒОНИШ ДЕМАК

Наврўз! Бу баҳорнинг келиши, янгиланиш тонги. Хар кун тонгни қаршилагандек бир ҳолатни ҳис этасан киши. Бизда ақли инсонлар кўп. Гоҳо давраларда янгиланиш буюк тушунча десанг, битта-яримтаси бу нима, буқаламун каби тусини ўзгариштириш, деб сўрайди. Очиги, бу олиф-та гап.

Наврўзнинг келиши, баҳор нафасининг келиши билан бутун табиат янгиланади, уйғонади, тиниклашади. Биз табиат билан биргаликда янгиланмасак, қандай одам бўлди? Наврўз табиатнинг ва бизнинг янгиланишимиз, кўнглимизда янгидан-янги умидларнинг уйғонишидир.

Дунёда орзу нима, умид нима, эртанги кунга интилиш нималигини билмаган, табиат ва бизнинг янгиланишимизга истехзо билан қараган киши бахтсиз кишидир. Эҳти-молки, бир пайтлар шу маънода умидланиб, буюк бобо-калонимиз Алишер Навоий ҳазратлари «Хар кунинг бўлсин Наврўз» деган эканлар.

Наврўз, баҳор келганида хар бир инсон қатори шахсан мен ҳам кўп нарсаларни ўйлайман, мушоҳада қиламан. Бир пайтлар «Баҳор албатта келади» деган ҳикоя ёзган-дим. Бу ҳикояда оғир ҳолатга тушган хаста одамнинг ба-ҳорга, Наврўзга бўлган умиди тасвирланган. Қаҳрамоним эски кўшиқларни эслайди. Ёмғирни «ёғмур» деган давр-ларни эслайди ва ўзи ҳам ажабланади. Минг йиллар бу-рун ҳам халқ баҳорни соғинган, баҳорни кутган экан ва бу ҳақда кўплаб кўшиқлар тўқилган экан.

Хўп, энди минг йилликдан «пастроққа» тушайлик. Ҳали эслаганимиз Навоий бобо «Навбаҳор айёми бўлиш» дегани шу ҳолат эмасми. Ёки, Муқимийнинг:

*Навбаҳор очилди гуллар, сабза бўлди боқлар,  
Сухбат айлайлик, келинлар, жўралар, ўртоқлар,  
дегани ҳам шу ҳақда. Хўш, Фурқатнинг-чи? «Фасли нав-баҳор ўлди, ўтибон зимистонлар, дўстлар ғаниматдир, сайр этинг гулистонлар», дегани...*

Бирон-бир давр йўқки, инсон фарзанди Наврўзни ин-тиқиб, севишиб кутмаган бўлса, бирон давр йўқки, баҳор-га интилмаган бўлса. Ана энди яқинроқ даврни олайлик. Ҳамид Олимжоннинг «Деразмнинг тагида бир тул ўрик оппоқ бўлиб гуллади» дегани, шу тарихимиздан келган ҳолатнинг давоми эмасми?

Бизнинг кунларга келиб, ҳеч муболагасиз оташин шоир Абдулла Ориповнинг «Сен баҳорни соғинмадингми?» де-ган жонлғич сатрларига улашиб кетади.

Халқ Наврўзни, баҳорни энг катта байрам сифатида кутган ва уни шундай байрам сифатида қаршилаган.

Атроф, олам кўм-кўк бўлиб яшнашидан кўзлар яйрай-ди, хар бир хонадонга бойчечак, лолалар кириб келади. Дастурхонларимизни кўк сомсалар тўндириб юборади. Моюларимиз, келинларимиз давра бўлиб ўтирганча кўк чучвара тугишади. Наврўзни, баҳорни нишонлашни ба-ландларвоз эмас, мана шу хонадонлардаги оддий ҳолат-ларда кўраман ва Наврўз — баҳорни халқнинг мулки экан-лигини хар йили яна бир бор ҳис этаман.

Бундай ўйлаб қарасам, бир ижодкор сифатида мен ҳам Наврўз ҳақида шунчалик кўп шеърлар ёзган эканманки, насрий асарларимдаги тасвирларни айтиб ўтирмасам ҳам бўлаверади. Албатта, ёзганларимнинг ҳаммаси бир хил чиқкан эмас. Мен ўзимни баъзи мунаққидлар айтмоқчи олифалик билан баҳор кўйичси демайман, лекин, баҳор ўзи мени ҳам кўйлатганини таъкидламоқчи эдим, холос. Энди ўзимни шу эсланган шеърлардан бири билан ақун-ласам бўлар:

*Яшнаган кўламан кўни кўнглимни кўрмоқ ҳасиди,  
Мен кезарман, лолалар қиринге баланду настида.*

*Бўю бастин кўрсатар ногоҳ қизил кийсан санам,  
Ундан ўргалим келар, ногоҳ шу бўю бастиди.*

*Мастлигимдан барчаси, дўстлар, мени қилманг ҳижил,  
Нўқ бу кун май мастлиги мендек ҳаётнинг мастиди.*

*Мен демасан, ҳеч қачон бекора кўкламини санам,  
Бахтиму бахтисизлигим кўклам-санамнинг дастиди.*

*Сақлақур қарзим кезиб қирлар, тушундим, дўстлар,  
Бир умр ёр олдиди. Ёлғиз шу дилбар назиди.*

Омон МУХТОР.

### ФАХРИЙЛАР ШАРАФЛАНДИЛАР

Наврўз айёми арафасида республика «Нуроний» жа-мгармаси Тошкент вилояти бўлими ташаббуси билан Тошкент туманидаги ГИёс Умаров номили ширкат хў-жалининг тўйхонасида вилоятимиз фахрийларини ша-рафлашга бағишланган катта тантана бўлиб ўтди.

Шу кун Наврўзнинг тансиқ таомлари билан безатилган тўкин дастурхон атрофида ви-лоятимиз шаҳар ва туманла-ридан ташриф буюрган уруш ва меҳнат фахрийларининг 400га яқин вакиллари бир пийла чой устида мириқиб суҳбатлашдилар. Тадбирни «Нуроний» жамгармаси вило-ят бўлими раиси Нўмон На-симов очар экан, мамлаки-тида фахрийларни ижтимо-ий ҳимоя қилиш, қўллаб-қув-

ватлаш, уларга барча шарт-шароитларни яратиб бериш йўлида ҳукуматимиз жуда кат-та сый-ҳаракат кўрсатаётган-лигини таъкидлади. Прези-дентимиз ташаббуси билан 2002 йилнинг «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинганлиги бунга бир ми-солдир.

Дарҳақиқат, кексалар ҳа-миша давлатимиз диққат эъти-борида. Биргина вилояти-мизда 300 мингга яқин пен-

сионерлар ва кексалар исти-комат қиладилар. «Қариялар-ни қадрлаш йили» муносаба-ти билан ишлаб чиқилган вилоят дастурида уларнинг турмуш шароитларини яхши-лаш, саломатлигини мустаҳ-камлаш, мустақил мамлака-тимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги иштирокини, бар-камол авлодни тарбиялашда-ги фаоллигини ошириш юза-сидан катта ҳажмдаги тад-бирлар белгиланган. Ҳозир-да барча шаҳар ва туманлар-да, қорхона, хўжалик, муас-саса ва маҳаллаларда бу ре-жаларни рўёбга чиқаришга кизгин киришилди. Шунини

мамнуният билан айтиш ке-ракки, кекса авлод вакилла-ри юртимизда амалга оши-рилаётган кўпдан-кўп хайрли ва савобли ишларга бош-қош бўлмоқдалар. Уларнинг та-шаббуслари, меҳнатлари, фа-олликлари билан ёшларга ўрнак бўлмоқдалар. Йиғилиш-да ана шулар ҳақида ҳам га-пирилди.

Вилоят ҳокими Умнат Мир-закулов йиғилиш иштирокчи-ларини, вилоятимизнинг бар-ча фахрийларини «Қариялар-ни қадрлаш йили» ва Наврўз айёми билан муборакбод этди.

Шу кун республикаимиз-нинг таниқли санъат усталари ва вилоятимиз бадий ҳавас-да, қорхона, хўжалик, муас-саса ва маҳаллаларда бу ре-жаларни рўёбга чиқаришга бўлдилар.

Ўз мухбиримиз.

### «ДЎСТЛИК» ЎЙИНГОҲИДА ЎТГАН ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ

Якшанба кун вилоятимиз марказий ўйингоҳида Наврўз шодиёналари ва катта футбол байрами бўлиб ўтди

Ичкарида эл севган хушовоз хонандалар хониши, рақоса-ларнинг нафис ҳаракатлари йиғилганларга завқ бағишла-ди. Тадбир нийоҳида эса, хурсандчиликлар қизикarli футбол учрашувига уланди. Бир сўз билан айтганда, ви-

лоятимизнинг барча шаҳар ва туманларидан келган меҳмонлар кўнгличар то-мошаларни кўриб, яйраш-ди. Дарҳақиқат, Наврўз на-фақат борлиққа гўзаллик бахш этувчи, яшартирувчи фасл, шу билан бирга дўстлик, миллатлараро то-тувликни мустаҳкамловчи кутлуг айём ҳамдир.

«Дўстлик» ўйингоҳига таши-риф буюрганимизда буни яна бир бор ҳис этдик: Шу кунларда бирон-бир дақиқа йўқки, Наврўз нафа-си уфуриб турмаган бўлса. Унинг нафаси шунчалар беғубор, шунчалар рангин-ки, кўриб кўз тўймайди, юриб одам чарчамайди. Чунки, инсон ҳаётида ҳам, табиат кучида ҳам узлук-сиз равишда униб ўсиш, янгиланиш, яшариш жара-ёнлари давом этаётир. Шундай экан, вилоятимиз-да баҳорнинг бошланиши ҳам хар сафаргидек одам-лар юзидаги табассум, кўрган-кўраётган кунларига шукроналик, муҳими, эр-танги кунга ишонч руҳи барқарор эканлигини на-мойиш этади.

(Давоми 2-бетда).



### ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ЙИГИЛИШИ

Вилоят хотин-қизлар қўмитасининг кенгайтирил-ган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман-лар хотин-қизлар қўмиталари раислари, бир қатор ташкилотларнинг вакиллари иштирок этишди.

Йиғилишни вилоят ҳоки-мининг ўринбосари, вило-ят хотин-қизлар қўмитаси раиси Адиба Аҳмаджонова олиб борди.

Ташкилий масалалар кўриб чиқилди, вилоят хот-тин-қизлар қўмитасининг ишчи гуруҳлари тузилиб,

асосий вазифалар белги-лаб олинди. М. Шоюсупова вилоят хотин-қизлар қўми-таси раисининг ўринбоса-ри этиб сайланди.

Йиғилишда қўрилган ма-салалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

### БУНЁДКОРЛИК — УНИНГ ШИОРИ

Халқимизнинг қадимий, тарихи узок ўтмишга бо-риб такалудиган, тўла маънода миллий ва анъанавий байрами Наврўзнинг таърифини ўрнига қўйиш учун жуда кўп ва хар хил иборалар ишлатилди. Уларнинг мазмуни ва моҳияти салмоқли бўлганларидан бири бунёдкорликдир.

Унинг ўзини яратувчилик соҳасида муносиб тортиқлар билан нишонлаш одати, анъ-анаси ҳам шундан келиб чи-қкан. Одамлар айём шарафига янги-янги иншоотларни бар-по этадилар ва унга тортиқ қиладилар. Бу ҳам Наврўзга хос хусусиятларнинг бири,

унинг ажралмас қисмидир.

Вилоятимизнинг барча ша-ҳар ва қишлоқлари аҳолиси шундай анъанага содиқ экан-ликларини бу йил ҳам намо-йиш этдилар. Кўплаб иншоот-лар барпо этилиб, баҳор бай-рами арафасида фойдаланиш-га топширилди. Улар орасида

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

ДАМ ОЛИШ КУНИНИ 2002 ЙИЛ 24 МАРТ ЯКШАНБА КУНИДАН 22 МАРТ ЖУМА КУНИГА КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Наврўз байрамини нишонлаш муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

Дам олиш куни 2002 йил 24 март якшанбадан 22 март жумага кўчирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2002 йил 19 март.

### ХУШ КЕЛИБСАН, ХУШРЎЙГИНАМ, БАҲОРИМ

*Хуш келибсан, хушрўйгинам, хуморим,  
Кимлар етиб, ким етмаган баҳорим.  
Дарди борга дармон бўлиб келгансан,  
Гулга ўра юракдаги озорим.  
Булулда йўқ бўғзимдаги бу баёт,  
Ох, бунчалар гўзал экан, бу ҳаёт.*

*Уч ойгина кўзимизга меҳмонсан,  
Қишини қувиб ўзинг ёзга мезбонсан,  
Умр ғалат, келганки бор кетаркан,  
О баҳорим, наҳот кўзда ҳазонсан,  
Сен армонсан, сен дармонсан, сен нажот,  
Ох, бунчалар гўзал экан, бу ҳаёт.*

*Соғинганим, соғинтириб келдингми,  
Чиройинга сизинтириб келдингми,  
Онам кўлин кўмсаганди сочларим,  
Сабо бўлиб бошгинамда елдингми,  
Қўшигимга, қувончимга бўл қанот,  
Ох, бунчалар гўзал экан, бу ҳаёт.*

*Қаргалар бор кўрмоқ истар заволинг,  
Ёмонларни тутгай сени уволинг,  
Менинг майсам, менинг гўлчам, чечагим,  
О баҳорим, кўрғим келар камолинг,  
Дилинг асра, гулинг асра, одамзот,  
Ох, бунчалар гўзал экан, бу ҳаёт.*

Маҳмуд ТОИРОВ.

### ОҚ ЙЎЛ, «ФУТБОЛ»!

Вилоят футбол ишқибозлари ўз газеталарига эга бўлишди

Ҳа, шундай. Наврўзи олам арафасида мамлакатимизда чоп этилаётган нашрлар сони яна биттага кўпайди. Кенжа ҳафтаноманинг номи «Футбол» деб аталди. Тўғри, ҳозирда спорт, айниқса, футбол мавзусида чиқаётган бошқа нашрлар ҳам бор. Лекин бизнинг «Футбол»-нинг ўрни алоҳида.

Ўзбекистон Оммавий ах-борот воситаларини демок-ратлаштириш ва қўллаб-қув-



ватлаш жамгармаси Тош-кент вилояти бўлими ҳамда «Ноз-оила» масъули-яти чекланган жамияти таъ-сис этган газета миллион-лар ўйини ишқибозлари учун чинакам соғва бўли-ши билан бирга кўрими, тахлили, масалага ўзига хос ёндошуви билан яққол ажралиб турибди. Лўнда қилиб айтганда, янги «Фут-бол» рақобатдан чўчмай спорт матбуотида дадил кириб келди, илк сониди-ноқ шу соҳадаги бошқа нашрлар билан бемалол беллаша олишини намойён этди. Бу бошланиши, кел-гуси сонларидан муҳлис-лар унинг саҳифасидан ўзлари учун янада кўпроқ ва қизикarli маълумот-лар, мукаммал шарҳлар, тевкор ахборотлар олиш-лари табиий.

Тошкент вилояти футбол ишқибозларининг янги наشري ҳаммамизга муборак бўлсин.

Оқ йўл, сенга,

«Футбол»!

# ТАБИАТНИНГ АЙЁМИСАН, НАВРЎЗИМ,

## «ДЎСТЛИК» ЎЙИНГОҲИДА ЎТГАН ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ

### РАҚКОСАЛАР ХИРОМ ЭТГАНДА

... Соат 12.00. Ўйингоҳ узра шодиёналар бошланишидан дарак берувчи қарнай-сурнай ва ногора садолари янгради. Салкам 10 мингга яқин вилоят ахлини ўз бағрига ситдирган ўйингоҳ мана шу аснода янада кўрамлашиб, гавжумлашиб кетди. Наврўзи, истиқлолизм, истиқболимизни, жонажон мамлакатимизни маҳз этувчи ширлар чоратороғга янада фойз, тароват бағишлаб турарди.



ва яқдил эканлигининг бир намоиши эди ҳолос.

### КАТНАШЧИЛАРНИНГ ДИЛ СЎЗЛАРИ

**Лариса Москалёва, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:**

— Ростини айтсам, Наврўзга бағишланган тантаналарни яхши кўраман. Шуниси ёқимлики, бундай тадбирларда биз хонандалар ҳам ўз қўшиқларимиз билан одамлар кўнглини хушнуд қилиш имкониятига эга бўламиз.

Мен турли миллатларнинг қўшиқларини завқ билан ижро этишга мойилман. Бугунги концертда ўзбекча ашулаларимни ҳам эшитдингиз. Қалай, ёқимли? Мен ўз қўшиқларимни янгилашни фасли — Наврўзи оламга бағишладим.

**Шокир Турсунбоев, ашаддий футбол ишқибози:**

— Бугун қўшалок байрам. Ҳали соат 16да «Дўстлик» ва «Сурхон» бу йилги мамлакат чемпионатининг дастлабки учрашувини ўтказишди.

Утган йили «Дўстлик»дан бироз ранжигандим. Республика чемпиони деган номга икки бор сазовор бўлган жамоага «эксчемпсион» дейиш сира ярашмас экан. Очигини айтсам, жамоамизнинг оқсоби қолиши менга ҳам ёқмади.

Яхши ният, ярим давлат дейишди. «Дўстлик» нинг омади яна қулиб боқишга ишонаман. Футбол ҳақиқий



СУРАТЛАРДА: «Дўстлик» ўйингоҳида ўтказилган Наврўз ва футбол байрами тантаналаридан лавҳалар.

мардлар ўйини. Унга ишқибозлик ҳам мард кишининг иши. Бугунги ўзингиз келиштириб ёзарсиз. Мен нима ҳам дердим, «Дўстлик» жамоасига фақат омад ёр бўлсин!

### БИРИНЧИ ЎЙИН, БИРИНЧИ ГАЛАБА!

Шундан сўнг «Дўстлик» ва «Сурхон» жамоалари майдонга тушди. Ўйин ҳақида шунини айтиш кераки, дўстликчиларнинг рақибларига нисбатан устунлиги дастлабки дақиқаларданок сезилиб турди. Майдон эгалари гоҳ ўнг, гоҳ чап қанотдан ҳужумлар уюштириб, «Сурхон» дарвозасини ишғол

этишга ҳаракат қила бошладилар. Лекин, рақиблар дарвозабонининг маҳорати, баъзан эса, йўлланган зарбаларнинг ноаниқлиги ҳужумнинг гол билан яқунланишига имкон бермади.

Учрашувнинг биринчи бўлими охирида «Дўстлик» жамоаси майдонни яқинида меҳмонлар томонидан ўйин қондаси бўзилди. Ҳакам жарима тўпини белгиледи. Вали Келдиев кучли зарб билан тўпни па-

стлатиб, дарвозанинг ўнг бурчагига йўллади. Ҳисоб 0:1. Командалар ана шундай натижа билан танаффусга чиқдилар.

Иккинчи бўлимда эса, вакилларимиз ташаббусни ўз қўлларига ола билдилар. Биринчи бўлимда йўл қўйилган нуқсонлардан тегилли хулоса чиқарган «Дўстлик» жамоаси ўйинчилари ҳамжihatликда дадил ҳужумга ўтдилар. Натижада баҳсининг 52-дақиқасида ҳисоб тенглашди. Бу гол муаллифи Николай Моисеев бўлди.

Муваффақиятдан руҳланган майдон эгалари галаба иштиёқида ўйин суръатини оширдилар. Кетма-кет уюштири-

лаётган комбинациялардан шошиб қолган «Сурхон» химоячиларидан бири қондани бузишдан ўзга илож тополмади. Ҳакам ҳеч иккиланмай, 11 метрлик белгини кўрсатди. Мухтор Қурбонов жарима тўпини қойилмақом қилиб амалга оширди.

Ўтқини мустақамлаш мақсадида вилоятимиз бош футбол жамоаси аъзолари бутун майдон бўйлаб тўла устунлиқни қўлга олдилар. «Дўстлик» спортчилари бир-биридан тезкор, ҳужумкор ўйин кўрсатиб, 73-минутда ҳисобни 3:1га етказдилар. Андрей Поваляевнинг чиройли голи муҳлисларни беҳад қувонтириб юборди.

Биринчи учрашув, биринчи галаба! Вилоятимизнинг минглаб футбол ишқибозлари ана шундай ўйинни кутган эдилар. Қувончлиси шундаки, «Дўстлик» яна ўз ўйинини топмоқда. Унинг асосий тарқиб шакллари бормоқда. Умид қиламизки, сеvimли жамоамиз мавсумнинг қолган учрашувларини ҳам ана шундай юқори савияда ўтказиб, республика чемпионлиги учун кураш олиб боради. Бунинг учун уларда ҳамма имкониятлар бор. Биз эса, ўз навбатида «Ассалом, Наврўз, ассалом, футбол баҳори!» Ҳуш келиб-сизлар, ўлкамизга» деймиш.

**Шавкат ҚУЛИБОВЕВ, Равшан БОБОМУХАМЕДОВ, Даврон АҲМЕДОВ (суратлар), «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.**



СУРАТЛАРДА: «Дўстлик» ўйингоҳида ўтказилган Наврўз ва футбол байрами тантаналаридан лавҳалар.

## ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ ҲАМ БЎЛАДИ

«Давларзин пахта тозалаш» корхонаси жамоаси ҳам Наврўз кунлари корхона ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор бермоқда. Жумладан, 2000 туп мевали ва манзарали дарахт қўчатлари ўтказилди.

Байрам шодиёналари кун бу ерда Наврўзнинг шоҳ таоми сумалак пиширилади. Байрам дастурхонига ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари билан бир қаторда шу ерда ишлаб кетган меҳнат фахрийлари ва бошқа кўплаб меҳмонлар тақлиф этилади. Шу кун Наврўз муносабати билан кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар, яқна-ёлғиз яшовчи кексалар ҳолидан хабар олиниб, уларга меҳр-мурувват кўрсатилади.

Наврўз кун корхонада қадимий анъаналаримиз, миллий урф-одатларимиз мукжасам бўлган халқ ўйинларини ташкил этиш ҳам мўлжалланган.

Ақбар АЛЛАМУРДОВ.

## ҲАММА ТИЛДА БИР ХИЛ ЯНГРАЙДИ БУ СЎЗ

Тошкент вилоятида истиқомат қилувчи 80дан ортиқ миллат ва элат фарзандлари Наврўзи олам кўнларини бирга нишонлайдилар

У даврга шаҳдам кириб келди. Чор атрофини қуршаб ўтирган қозоқ, корейс, қирғиз, украин, татар ва бошқа миллатларга мансуб тингловчиларга бир қур қўз ташлаб чиқди-да, Владимир Андриянов соф ўзбек тилида дон-дона гапира бошлади:

— Бугунги баҳорий ҳушнудлик оларини мен маҳаллада яшаб, ўсиб-ўлғаяётган болалик йилларим чуқур ҳис қилганман. Тўғри, у пайтлари Наврўз байрами ҳозиргидек тантанали, кўламли нишонланмасди. Лекин, ўша болалик йилларим маҳалламиз кампирлари пивлага сузиб берган сумалак, катта қозонларда пиширилган ҳалим таъмини татиб ўсдим...

Даврадагиларни зимдан кўздан кечирдим. Назаримда у вилоятимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларидан тўплаган турли миллат ўғил-қизлари тили билан сўзлаётгандек эди ҳозир. Завқли нигоҳлардан, очик ҳайратли чеҳралардан шу аснода ҳамма ўз болалигини эслаётгандек туюларди.

Икки-уч ҳафта бурун Бекободда, «Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлган ҳам, шу тўғрисида яна сезгандек бўлдим. Цехлар, участкаларнинг вакиллари руслар, тожиклар, ўзбеклар, қозоқлар, татарлар бир дастурхон атрофида ўтириб, корхонада Наврўз байрамини нишонлашни режалаштиришди. Ҳар ким ҳар хил тақлифларни ўртага ташлади, қулишиб-тортишиб, бу умумхалқ байрамини қувноқ ўйин-қулгилар билан қутиб олиш, кексаларга иззат-ҳурмат, ёшларга меҳр-шафқат кўрсатиш тадбирларини келишиб олишди.

Шундай, Шарқнинг табиатда янгилашни, очилиш, тароват касб этиш, ризқ-рўз яратиш ҳаракатига киришиш кўнлари ўтадиган қадимий Наврўзи мустақиллик шарофати билан ўлкамизда яшовчи барча миллат ва элатларнинг, орзиқиб қути-

Олмаликнинг «Металлургия» Ангренининг «Кимёгар» ўйингоҳларида ҳам, Чирчиқнинг истироҳат боғида ҳам айни шундай ялли ҳушнудлик, ҳушвақтликни кузатамиз. Зафар, Гулбоғ, Дўстобод шаҳарчалари, бошқа шаҳар ва қишлоқларда ҳам барча миллат вакиллари Наврўзнини алоҳида бир иштиёқ билан қутиб олишарди. Улар бамисоли бир оила фарзандлари каби фасаллар алмашиши, йилларнинг табиий янгилини кўнларини тинч ва бахтли келажаққа ишонч билан нишонлайдилар.

Олмаликнинг Белинскаянинг сўзларини бир умр унутмасан керак: — Тақдиримдан ўргилайки, шу юрда туғилиб-ўсдим, — деди Зинаида Андреевна. Шу ердан урушга кетиб, яна уни қумсаб қолдим. Ўзбек халқининг қалби очик, кўнгли кенг, меҳр-оқибати чексиз. Бу фазиалардан мана шу улук айём — Наврўз кўнлари яна ҳам илтифотли намоён бўлади.

Жўра СЎДҚУЛЛАЕВ.

## БУНЁДКОРЛИК — УНИНГ ШИОРИ

янги ишлаб чиқариш қувватлари, уй-жойлар, аҳолига маданий-савдо-маиший хизмат кўрсатишга мўлжалланган шаҳарчалар, тадбиркорлик тузилмалари, тиббий муассасалар, турли муҳандислик тармоқлари.

Айниқса, қишлоқ хонадонларини газлаштириш ва уларни ичимлик суви билан таъминлашга хизмат қиладиган янги иншоотлар қурилишида муайян натижаларга эришилди. Салкам йигирма икки километр узунликдаги юқори, ўрта ва паст босимли «зангори олов» тармоқлари тортиди. Шу туфайли юзлаб қишлоқ хонадонлари қўлай қишлоқ туридан баҳраманд бўлдилар. Қисқа муддатда бунёд этилган ичимлик сув тармоқлари эса, ўн икки километрни ташкил этди. Саккиз километр атрофида янги замонавий автомагистралларда транспорт қатнови йўлга қўйилди. Келажагимиз ҳисобланган ёш авлодни ўқимизи, кенг дунёқараши, билимдон қилиб тарбиялаш асосий вазифаси бўлган ўқув юрлари қуришдаги иш суръатлари ошди. Бекобод туманининг Зафар, Чиноз туманининг Олмазор қўрғонларида, Қуйчирик туманидаги «Ўзбекистон 5 йиллиги» тажриба ҳўжалигида, Юқориқирчик туманидаги «Туркистон» ширкат ҳўжалигида, Тошкент туманидаги Оқунбобоев жамоа

ҳўжалигида касб-хунар коллежлари, мактаблар ва болалар боғчалари қурилиши ниҳоятсига етди ва охирига яқинлашмоқда. Бугун Зафар қўрғонидан 900 талабага мўлжалланган касб-хунар коллежи ўз эшикларини очди. Янгийўл шаҳрида марказий кутубхонанинг янги биноси, Тошкент туманидаги Оқунбобоев номли жамоа ҳўжалигида 220 ўринли мактаб ва бошқа шундай иншоотлар қуриб битақилди.

Бўй байрам олдида кўплаб уй-жойлар қурилди. Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик тузилмаларини барпо этишда ҳам муайян натижаларга эришилди, янги ишлаб чиқариш қувватлари, жумладан, тикувчилик цехлари, маиший хизмат кўрсатувчи мажмуалар, маъмурий бинолар қад кўтарди.

Вилоятимиз меҳнат аҳли баҳор байрамини муносиб нишонлаш, унга пукта ҳозирлик билан келиш, у ҳар томонлама қўнғилдагидек ўтиши учун бунёдкорлик соҳасида ҳам кенг қамровли ишларни амалга оширди. Эртага эса уни зўр тантана ва кўтаринки руҳ билан, Ватанга, халқимиз анъаналарига садоқат ҳис-туйғуларини баралла янграйтиб байрам қилар эканлар, ундан яратувчилик меҳнатиде янги муваффақиятларга эришиш учун олиб борилаётган савий-ҳаракатларда янги, янада юқориқоғ ва салмоқлироқ марраларни эгаллаш учун илҳом оладилар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

### АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

## «ТОШВИЛОЯТАВТОТЕХХИЗМАТ»

**ҳиссадорлик жамияти**  
**Сизларни баҳор байрами —**

*Наврўзи олам*

**билан муборакбод этиб, барчангизга тинчлик, хотиржамлик, соғлиқ-саломатлик тилайди.**



**«ТОШВИЛОЯТАВТОТЕХХИЗМАТ»**  
**ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

Ўз акционерларига шунини маълум қиладиги, акционерларнинг умумий йиғилиши шу йилнинг 22 апрель кунини соат 11да Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Янги Чиноз қўрғонидан бошқарув идораси биносиде бўлиб ўтади.

### КУН ТАРТИБИ:

- ◆ Кузатув кенгаши таркибини ўзгартириш.
- ◆ Умумий йиғилишни ўтказиш тартибини тасдиқлаш.
- ◆ Ҳиссадорлик жамиятининг 2001 йилдаги ҳўжалик-молиявий фаолияти яқунларини тасдиқлаш.
- ◆ Йиллик ҳисоботларни, бухгалтерлик балансини, фойда ва зарарларни, тафтиш комиссияси ақтини, аудитор хулосасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.
- ◆ 2001 йилдаги иш яқунлари бўйича олинган фойдани тақсимлаш.
- ◆ Корхонанинг 2001 йилдаги иш яқунлари бўйича фойдасини тасдиқлаш.
- ◆ 2002 йил учун аудиторни тасдиқлаш.
- ◆ Бошқа масалалар.

| «Тошвилотавтотеххизмат» ҳиссадорлик жамиятининг 2001 йилги баланси |               |          |        |
|--------------------------------------------------------------------|---------------|----------|--------|
| Баланс моддаларининг номи                                          |               | актив    | пассив |
|                                                                    |               | минг сўм |        |
| Асосий воситалар                                                   | 203354        |          |        |
| Айланма активлар                                                   | 83661         |          |        |
| <b>Жами</b>                                                        | <b>287015</b> |          |        |
| Ўз маблағлари манбалари                                            | 266510        |          |        |
| Мажбуриятлар                                                       | 20505         |          |        |
| <b>Жами</b>                                                        | <b>287015</b> |          |        |
| Баланс фойдаси ташкил этди                                         | 87026         |          |        |
| Солиқлар ва бошқа ажратмалар                                       | 39716         |          |        |
| 2001 йилда бунақ қилиб берилган дивидендлар                        | 18039         |          |        |
| ХЖ ихтиёрида қолган фойда                                          | 29271         |          |        |

Балансининг тўғрилиги «Бухгалтер» аудиторлик фирмаси томонидан 2002 йил 5 мартда ўтказилган текшириш акти билан тасдиқланади, 2001 йил 3 январдаги 00518 сонли лицензия.

### ЖАМГАРМАЛАРГА 100 МИНГ СЎМДАН

Пскент пахта тозалаш очик турдаги ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари ҳам Наврўзи муносабати нишонлашарди.

Корхона ҳудуди ва атрофи ободонлаштирилди, йўлаклар, майдонлар супуриб-сидрилди. Энг муҳими, унинг ҳудудида 1 гектарлик боғ барпо этилди.

— Бу ерда 1000 тупдан зиёд мевали дарахт қўчатлари ҳамда 2000 туп терак экилди, — дейди корхона раҳбари Саврон Мирзаев.

Ҳашар муносабати билан ишлаб топиладиган 200 миң сўм маблағ Наврўз ҳамда маҳалла жамғармалари ҳисобига ўтказилди.

Мурод АҚБАРОВ.

## ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ҚОЛМАДИ

Илгари хабар берганимиздек, 16 март кунини мамлакатимиз бўйлаб Наврўз умумхалқ ҳашари ўтказилди. Бундан эса мақсад битта. У ҳам бўлса юртимизда санитария-эпидемиологик вазиятни яхшилаш, аҳоли яшаш жойларини ободонлаштиришга доир ишларни тўла амалга оширишга қаратилган эди

Вилотимизда ҳам катта ҳашар уюшқоқлик билан ўтди.

Айниқса, Ўртақирчик, Бекобод, Охангарон, Тошкент, Пскент туманлари ҳамда Олмалик, Ангрэн шаҳарларида қилинган ишлар самарали бўлди. Биргина Ўртақирчик туманида 309та корхона ва ташкилотларига 14 миң 400 нафар ишчи-хизматчилари ҳамда 33 миң 520 нафар аҳоли ҳашар кунини жонбозлик кўрсатишди. Шу кунини жами 21 миллион 400 миң сўмлик иш амалга оширилди.

Бекобод тумани аҳли ҳашарчилари 38 миң кишига етди. Улар 19 километр

автомобил йўллари ва саккиз километр арик-зовурларни тозаладилар.

Кўкаламзорлаштириш ишлари Охангарон туманида айниқса самарали бўлди. Йўл четлари, арик бўйлари ва бошқа корхона-ташкilotларнинг ҳовлиларига бир неча турдаги манзарали ва мевали дарахт қўчатлари экилд. Жумладан, ўрқ 420та, олма 12 миң туп, шафтоли 3600та, олча 3500та ва 2,6 гектар ерга гул қўчатлари ўтказилди.

Вилот бўйича бу рақамлар янада салмоқли. Шу кунини жами 304 миң 94 туп манзарали дарахт ҳамда 227 миң 141 туп мевали дарахт ниҳол-

лари, шунингдек, 53 миң 274 дона гул қўчатлари экилд.

Асосий йўллар, 28та бекат, 25та кўприк, 11,18 километр узунликдаги ариқлар тозаланиб, ораста ҳолга келтирилди. Булардан ташқари 6,55 километр масофада янги бетон ариқлар қўқизилди.

Шаҳар ва туманларда бундай ҳашар 23 март кунини ҳам ўтказишга режалаштирилмоқда. Ундан тушган барча маблағлар меҳр-саҳоват тадбирлари учун «Маҳалла» ҳайрия жамғармасига ўтказилди.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

# ЙИЛБОШНИНГ САЛОМИСАН, НАВРЎЗИМ!

## ЮЗ ДОНА АТИРГУЛ

Ўлкамизга баҳор нафаси кириб келди. Замин бағридан қад кўтарган майсалар, уйғонишга шайланган дов-дархатлар қуртак оча бошлади. Ана шундай дамларда тани-жони соғ одамлар чор-атрофни ораста қилишига, ниҳол экиб бог яратишга, гулзорлар барпо этишга ҳаракат қиладилар.

Бу борада айниқса, Ангрен шаҳар педагогика касб-хунар коллежи жамоаси ҳамда талабалари амалга ошираётган ишлар таҳсинга сазовор. Улар ўзларига бириктирилган «Охангарон» ва «Ўзбекистон мустиқлиги» кўчаларида дов-дархатларни оқлаб, уларга шакл бериш ишларини бошлаб юбордилар.

Куни кеча билим юрти хомийларининг саз-харақатлари ва жонбозликлари туфайли ўқув маскани ҳолисига Сурхон воҳасидан келтирилган 100 дона атиргул кўчатини ўтказишди. Шунингдек, талабалар 200та мевали ва манзарали дархат кўчатларини экишни ҳам режалаштир-

Ўз мухбиримиз

## БЕКОБОДЛИКЛАР ТАШАББУСИ

Бекобод худудининг бу қисми ташландиқ бўлиб ётган. Шаҳарликлар бундай ҳолатга барҳам бериш ташаббуси билан чиқдилар. Уларнинг бу хайрли иши ҳаммага маълум бўлди ва бу майдонда сўлим истироҳат боғи барпо этишга киришилди.

Бунинг учун умумшаҳар хашари уюштирилди. Шаҳардаги барча корхона, ташкилотлар, муассасалар, маҳаллалар, ўқув юртлири жамоалари унда фаол қатнашмоқдалар. Ҳар куни уларнинг 25-30 нафар ишчи-хизматчилари, кексалар, талабалар бу ерда ишлашяпти. Улар жами ўн гектар майдоннинг деярли ярмида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, ариқлар қазива ва бошқа шу каби юмушларни бажариб қўйишди.

Турдикул НОРМАТОВ.

## «КАМОЛОТ» ТУХФАЛАРИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ҳамда Охангарон туманидаги Навоий номли ширкат хўжалиги ҳамкорликда хайрли ишни амалга оширдилар.

Эйвалек кўргонда жойлашган 10-умумтаълим мактабининг 8 нафар ўқувчиси — кам таъминланган оилалар фарзандларига моддий ёрдам кўрсатдилар. Кийим-бошлар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларидан

иборат ушбу туҳфалар болакайлар кўнгилларини шод этди.

Бундай хайрли ишларни «Наврўз» айёмига қадар вилоятнинг яна кўплаб шаҳар ва туманларида уюштириш режалаштирилган.

Ўз мухбиримиз.

Ёшлигиндан катталарни ҳурмат қилсанг, вақти келиб, сен ҳам иззат топасан, деб ўғит беришган аждодларимиз. Шунга амал қилиб, қадимдан ота-оналар фарзандларига шу одатни гўдаклигинданок синдириб боришган.

Дарвоқе, ўз хонадониди ёши улугларни ҳурматлашни ўрганган бола шубҳасиз бошқаларга ҳам шундай муносабатда бўлади. Бу

## НАБИРАЛАРИ ҚУТЛАШДИ

ҳам миллий қадриятларимизнинг бир кўринишидир.

Президентимиз томонидан 2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилиниши мазкур масалага эътиборни янада кучайтиришимизга даъват бўлиб янгради. Шунга жавобан Охангарон шаҳридаги «Наврўз» болалар богчаси соғломлаштириш майдонча-

си байрамона безатилиб, 160 нафар тарбияланувчининг боболари ва бувиқларига дастурхон ёзилди.

Йиғинда шаҳар ҳокимлиги, турли идоралар ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам иштирок этди. Богча мудираси Шаҳодат Хошимова бу ерга ташриф буюрганларни Наврўз айёми билан муборакбод этиб, кичкинтойлар улар

## Тадбир

учун байрам дастури тайёрлаганликларини маълум қилди. Ўғил-қизлар йиғилганларга театрлаштирилган томоша ва концерт намойиш этдилар.

Тадбир сўнгиди тарбияланувчилар ва хомийлар томонидан хозирланган совғалар меҳмонларга топширилди.

Муқаддас АЛИЕВА.

## СОВГА ЭМАС, ЭЪТИБОР АЗИЗ

Хозирги кунда Янгилул шаҳрида юз ёшга етган ва ундан ошган 20 нафар муътабар инсон истиқомат қилади. Куни кеча Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан уларга «Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлимининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Йўқловдан ва эътибордан беҳад мамнун бўлган боболар ва момолар фотиҳага қўл очиб, барчани дуо қилдилар.

— Бундан ташқари маҳаллалар оқсоқоллари билан 40 та кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга ҳам ташриф буюриб, озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатдик, — дейди жамғарма шаҳар бўлими раиси ўринбосари Феруза Маҳаматалиева. — Бундай савоб ишларни тез-тез ўтказиш режалаштириб қўйганмиз.

Яна бир янгилик. Байрам куни Алишер Навоий номидаги «Гулшан» маданият ва истироҳат боғида мазкур жамғарма томонидан барпо этилган «Нуроний» савдо дўкони ва «Нуронийлар чойхонаси» ишга туширилди. Дўконда 5500 нафар янгиёуллик фахрийларга хизмат кўрсатилади.

Ўз мухбиримиз.

## ОТАЛАР ИСТИРОХАТ БОҒИ

Тошкент туманидаги Оханбобоев номи ширкат хўжалигида қарияларни қадрлаш юзасидан янги ва хайрли ишга қўл урилди.

Бошқарув идораси рўбарўсидаги оталар чойхонасига туташ бир гектарлик майдонда қариялар учун истироҳат боғи ташкил этишга киришилди. Бу боғда отахонларнинг дам олиб, хордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилади. Унинг худудида йил давомида ошхона, кўнгилчархона, меҳмонхона ишлаб туради.

Носир ИСАЕВ.



Ҳар нарсанинг ўз мавриди бўлганидек, ернинг ҳам киш уйқусидан уйғондиган палласи бўлади. Бу даврнинг ўлкамизга Наврўзи олам ташриф буюрадиган вақтга тўғри келишида рамзий маъно бор. Биринчидан, Наврўз келиши билан тун қисқариб, кун узая бошлади. Бу — ёруғ кунлар келаётганига ишора. Иккинчидан,

## ЕР УЙҒОНДИ, ТАБИАТ ЯШАРДИ



Тумандаги «Истиқлол» ширкат хўжалиги боғбонлари бу йил 620 тонна мева етиштиришни режа қилишган. Айни кунларда 200 гектарга яқин олма боғларида иш қизгин. Қатор оралари ҳайдалиб, бегона ўтлардан тозаланди, дархат таналари оқлаб қўйилди.

«Қибрай» ширкат хўжалигида тоқларни очиб, симбағаларга кўтариш ишлари қизгин давом этмоқда. Бу муҳим тадбирни пудратчи Баҳодир Турсунбоев биринчилар қатори аяқламоқда. Унга нафақат умр йўлдоши Гулноза, балки онаси Рихси ая ҳам Наврўз байрами баҳона тоқзорга чиқиб, баҳоли қудрат кўмаклашмоқда.

Юқориқичиқ тумани пахтакорлари эса плёнка остига чигит экишни бошлаб юбордилар. Жумладан, «Гулистон» ширкат хўжалиги деҳқонлари бу йил 420 гектар майдонда плёнка остида пахта етиштиришни режалаштиришган. Хозир кунига 30-40 гектар ерга уруғ қадалмоқда.

Бир сўз билан айтганда, вилоятимиз кишлоқ хўжалик меҳнаткашлари байрам тадбирларию дала юмушларини уюшқоқлик билан давом эттириб, мўл ҳосил, яъни баракали ризқ-рўз учун мустаҳкам замин яратмоқдалар.

Самад ЙЎЛДОШ.  
Дилшод АХМЕДОВ (суратлар).



кўёшли кунлар тафти ерни уйғотди. Она замин илиқ нафас олади, ҳовури кўтарилади. Ернинг ҳузурбахш ҳарорати бутун борлиққа жон ато этади. Минг турли гиёҳдан тортиб, бутун дов-дархат амал олиб, гуллаб-яшнади, табиат яшарди.

Бу фасл деҳқону боғбонларни дала ва боғларга қорлайди, ризқ-рўз яратишга ундайди. Экин-тикин ишлари Наврўз тантаналарига улашиб кетади. Янги кун, янги йил мавсуми билан боғлиқ миллий удумлар, халқ сайиллари боғу



## Шундайлар бор бўлсин

Нурмат отани излаган одам кундузи уйдан тополмайди. Чунки, у киши маҳалладошларининг ҳали у, ҳали бу ташвиши билан гоҳ туман марказида, гоҳ кишлоқ фуқаролар йиғинида ёки бирон идорада юрган бўлади. Бу гал отахонни Охангарон туман алоқа бўлими биносидан учратдим. Салом-алиқдан сўнг шундай деб гап бошладилар:

## БЕДОР ОДАМ

— Шу десанг қизим, маҳалламиздаги ўн та хонадонга телефон сими ўтказиш масаласида раҳбари билан маслаҳатлашгани келгандим. Барака топкур, эртаиндин бу ишни охирига етказиб беришларини айтиди. Бирйўла почтага ҳам кириб ўтай-чи, пенсия пуллари баъзан нега кечикаяпти экан...

Кўпнинг оғирини енгил қилиб юривчи бу табарруқ инсон туманимиздаги Мунчоктепа кишлоғида деҳқон оиласида дунёга келган. Отаси раҳматли Каримбой бува ўз даврининг фаол, серғайрат одамларидан эди. Туманда кишлоқ хўжалигини ривожлантиришга кўп меҳнати сингган.

Нурмат отанинг ўсирилик даври оғир уруш йилларига тўғри келди. Икки акаси урушга кетган, оила, рўзгор ташвишлари унинг зиммасига тушган эди. Эрта тонгдан далага югурар, кечкурун эса уйдаги юмушларни

бажарарди. Хуллас, ўн тўрт яшар ўспирин қийинчиликлардан нолимай, машаққатларни енгди. Уруш тугагач, ўқишини давом эттирди. Бригада бошлиғи, бўлим бошқарувчиси вазифаларида қирқ тўрт йил узлуқсиз меҳнат қилди. Н.Қаримбой ҳозирги Алишер Навоий номи ширкат хўжалигининг ҳар қарич ерини яхши билади. Қайси майдонга экиннинг қайси турини экиш маълум экани тўғрисида шогирдларига маслаҳатлар беради.

Оқсоқол пенсияга чиққанидан кейин, этиборини маҳаллани ободонлаштириш ишларига қарата бошлади. Шу билан бирга томорқасидаги боғини янгилади. Унинг ҳовлисига кирган кишининг баҳри-дили очилади. Айниқса, шу кунларда у ерга борган одам гуллаётган мевали дархатларнинг тароватидан ўзини жаннатда юргандек ҳис этади. Фарзандлари ҳам ишдан бўш пайтларида богдор-

чилик билан шуғулланади. Олимжон хўжаликдан 10 гектар боғни ижарага олган. Собиржон ва Ботиржонларнинг ҳам алоҳида боғи

бор. Ака-укалар оталари каби бог-роғга меҳр қўйиб кам бўлишмаяпти. Шунинг орқасидан орзу-ҳавас кўришаяпти. Дарвоқе, ўн тўрт йилдирки, ота Мунчоктепа маҳалласи оқсоқоли. У ҳамisha маҳалладошларининг тўйида бош, фамига йўлдош. Маҳаллага Охангарон шаҳридан сув, газ келтиришда, йўлларни асфальтлашда ўзи бошқор бўлди. Элим деб, юртим деб қилаётган савоб ишлари ижобат бўлиб, у 1995 йилда Ҳаж зиёратига бориб келди. Шу кунларда ҳам бу ҳурматли инсоннинг қўли-қўлига тегмайди. Наврўз байрамининг кўнгилдагидек ўтказиш учун кўпга дастурхон ёзилган жойини тайёрлаш, кўчаларни кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишлари билан банд: Бундай инсонлар етакчи бўлган жойда шубҳасиз барча тадбирлар кўнгилдагидек ўтади.

Муқаддас АЛИЕВА.

## «Тошкент-Телеком»

Ушбу қувончли баҳор кунларида ўз мижозларини, Тошкент вилояти, Ўзбекистон Республикасининг барча аҳолисини умумхалқ байрами —

## Наврўз

билан самимий қутлайди! Ҳаммага чин қалбдан тинчлик ва осоишталик, саломатлик ва бахт-саодат, тотувлик ва меҳр-муҳаббат, кўпдан-кўп қувонч ва хурсандчилик, ҳар бир оилага фаровонлик ва эсон-омонлик, гўзал мамлакатимиз ва халқимизнинг фаровонлиги ва гуллаб-яшнаши йўлидаги яратувчилик меҳнатида катта-катта янги муваффақиятлар тилаймиз!

«Тошкент-Телеком».

## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчаси мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали Сиз аъзоларни 2002 йил 24 апрел, 1, 8, 15 ва 22 май кунлари соат 10.00да ўтказиладиган навбатдаги аукцион ва биржа савдоларига тақдир этади

1. Тошкент вилояти, Юқориқичиқ тумани марказий касалхонасига қарашли Юқориқичиқ тумани, Янгилузор кўргонда жойлашган эски «Гараж биноси» объекти. Бошланғич баҳоси — 3 232 900 сўм (ер майдони бу баҳога кирмайди).

2. «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компаниясининг «Ангрен ДИЭС»га қарашли бўлган Ангрен шаҳар «Гулбоғ» маҳалласида жойлашган «Восход» болаларни соғломлаштириш ёрмоғи объект. Бошланғич баҳоси — 17 500 000 сўм (ер майдони бу баҳога кирмайди).

3. Янгийўл туман Гулбаҳор кўргони Мустиқликнинг 10 йиллиги кўчасида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 400 кв.м. бўлган 32та ер майдони.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 43 848 сўм.

4. Бекобод шаҳар «Гидрометрия» кўргонидида жойлашган ҳар бирининг сатҳи 400 кв.м. бўлган 2та ер майдони.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 42 920 сўм.

5. Бекобод шаҳар «Спутник» массивида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 400 кв.м. бўлган 8та ер майдони. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 25 520 сўм.

Ер майдонларига аризалар қабул қилиш 3 (уч) кун олдин тўхтатилади.

6. Тошкент вилояти монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасига тегишли «Нексис» русумли, давлат рақами 11 TV 252 бўлган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

Бошланғич баҳоси — 3 124 300 сўм.

Эслатма: сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, яъни давлат божига ёки давлат орденини олиш учун, мулк харид қийматининг бир фоизи микдоридидаги маблаг ва баҳолаш хизмат ҳақини алоҳида «Xususiyatlashishga ko'maklashish konsaltlang markazi» хисоб рақамига ҳужжатлар асосида тўланади.

Шунингдек, аввалги савдоларда қўйилган ва сотилмай қолган, бекор қилинган ер майдонлари, автотранспорт воситалари ва бошқа кўчаси мулк объектлари ушбу савдоларда сотилиши мумкин. Биржа савдолари ҳар ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари ўтказилади.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 17-уй, вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

Тел: 133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.

## Шеъримиз

## ЭЛИМ СЕНГА ДОИМ ИНТИҚ

Кимлар сийлаб, кимлар туртган Наврўзим,  
Сумалагин саҳар кутган Наврўзим.  
Келишингни кутмагани бошқалар,  
Элим сенга доим интиқ, Наврўзим.

Ғунчаларнинг қатларига жойлаган,  
Сирларингни еллар мудом пойлаган.  
Ишонмасанг сўра, совуқ ойлاردан,  
Элим сенга доим интиқ, Наврўзим.

Турна ўтса, боқиб кўзи толмас эл,  
Гар ўтмаса кўкка қарай олмас эл.  
Жафоқаш эл, меҳнатсевар, толмас эл,  
Ўзи сенга доим интиқ, Наврўзим.

Кел, келавер, ийманмагин, мунисам,  
Сен онамнинг яхши кўрган кунисан!  
Сен баҳорга туғилгансан, инисан,  
Элим сенга доим интиқ, Наврўзим.

Усмон БЕК.

## СУМАЛАК

Маҳкам момо сумалагин еганмисиз,  
Бундай таом борми ўзи, деганмисиз?

Кўклам чоғи куй таралар хонамизда,  
Қишлоғимнинг ихтиёри момомизда.

Савоб ишга бел боғлайди даврабоши,  
Дошқозонга солинади кўклам оши.

Куй-навога тўлиб кетар дил қатимиз,  
Наврўзни шод кутмоқ азал одадимиз.

Чилдирмани қўлга олар амма, хола,  
Келинчақлар чеккасига тақар лола.

Ҳар хонадон файзга тўлар таом билан,  
Аҳат қишлоқ деган ажиб бир ном билан.

Кўклам чоғи келинг дўстлар, кечамизга,  
Наврўз меҳмон бўлсин бу кун барчамизга.

Ашуралӣ БОЙМУРОД.

## ВАРРАКЛАР БАЙРАМИ

Республика болалар ижодиёти марказида  
Наврўз байрамига қизгин тайёргарлик кўриляпти.

— Аввало, ободонлашти-  
риш ойлиги ўтказилиб,  
марказ ховлиси тартибга  
келтирилди, — деди  
марказнинг маънавий-  
маърифий ишлар бўйича  
директор ўринбосари  
Ҳадича Зокирова. «Турки-  
стон-пресс» муҳбирига.  
Турли хил дароҳт ва гул  
кўчатлари ўтказилди. Бу  
ишларга тўғарак иштирок-  
чилари ҳам жалб қилинди.  
Ўқувчилар тўғарак раҳбар-  
лари билан биргаликда  
көкса ва нафсакадаги  
ҳодимлар ҳолидан хабар  
олиб, уларнинг кўнгилла-  
рини хушнуд этдилар.  
Марказда Наврўзга бағиш-

лаб сўхбатлар, савол-  
жавоб кечалари ўтказил-  
моқда. Айни пайтда тўга-  
раклараро деворий рўзно-  
малар кўрик-танловини ва  
«Ихлосдор ихтирочи болалар»  
кўргазмасини ўтқа-  
зишга тайёргарлик кўрил-  
моқда.

Байрам кунларида яна  
бир тадбир ўтказилади. 26  
мартда шахримиздаги  
«Бог Ерам» маданият ва  
истироҳат богига респу-  
блика «Камолот» ёшлар  
иқтисодий ҳаракати ва  
ёшлар телеканалининг  
«Янги авлод» студияси  
билан ҳамкорликда варрак-  
лар байрами бўлиб ўтади.  
«Туркистон-пресс».

Қулганга  
Ҳима  
ЕТСИН!

## ЖОНЛИ СОВҒА

Эр хотинига деди:  
— Туғилган кунингга нор-  
ка совға қилишимни истов-  
динг, мана олиб келдим.  
Аммо билиб қўй, уни ўзинг  
боқасан.

## БОШЛАНДИ

Хўранда официантга  
деди:  
— Бошлангунча юз грамм  
беринг.

Бироздан сўнг:  
— Бошлангунча яна юз  
грамм келтиринг.

Шундай қилиб, хўранда  
бир ишаниш бўшатгач,  
официант сўради:

— Пулини қачон тўлай-  
сиз?

— Ана-а... бош-ланди-и...

БУ ЙИЛГИ  
ЧЕМПИОН КИМ БЎЛАДИ?

Мутахассислар орасида «сценарий бўйича»  
деган ибора кўп ишлатилади. Улар мамлакат  
чемпионати хусусидаги башоратларни ана шу  
ибора орқали баён қилишади. Албатта, мавсум  
арафасида ҳеч ким ҳеч қандай сценарий ёзмай-  
ди ва уни ҳеч ким тасдиқламайди.

Бирок, юқоридаги ибора  
ишлатилса, башорат ишо-  
нарлироқ чиқади. Энг  
қизиғи, бу тахминлар  
кўпинча ўзини оқлайди ва  
охир-оқибатда яқин бариб  
ёзилмаган сценарий бўйи-  
ча интиҳо топади. Кўпчилик  
шу тариқа 1994 йил «Неф-  
тичи», 1996 йил «Навбахор»,  
1997 йил МХСК, 1998 йил  
«Пахтакор» ва 2000 йил  
«Дўстлик» чемпион бўли-  
шини олдиндан айтиб бер-  
ган.

Бошқа томондан эса,  
бунинг ҳеч қандай сирини йўқ.  
Футбол атрофида юрганлар  
мавсум бошиданок бир  
неча аломатлар бўйича тах-  
миний чемпионни аниқлаб  
бўладилар. Ҳўш, чемпио-  
нлик учун нима қилмоқ ке-  
рак?

Биринчи навбатда, маб-  
лағ масаласи. Агар етарли  
маблаг топила, чемпио-  
нлик рецепти тайёр бўлади.  
Иккинчи муҳим омил ана  
шу рецептдан унумли фой-  
даланиш, яъни маблагни  
аниқ мақсадлар йўлида  
сарф эта билиш. Яъни «юл-  
дус» ўйинчиларни ёппасига  
сотиб олиш билан мўлжал-  
ли аниқ нишонга олиш  
мушкул. Аввалига чемпио-  
нлик сирларидан хабардор  
мураббийни излаб топиш,  
сўнгра унга зарур ўйинчи-  
ларни етарли маблаг орқали  
жамоага тақлим этиш,  
йил давомида ойлик маош  
ва муқофот пуллари узул-  
сиз бўлишини таъминлаш  
ва ниҳоят машғулотлар учун  
етарли шароитлар яратиб  
бериш. Заҳирада «қўзлан-  
маган ҳаракатлар» учун ҳам  
улаб туриш ортиқчалик  
қилмайди. Хар ҳолда ҳакам-  
лар жамоангизга факат чи-  
ройингиз учун меҳр қўймай-  
ди. Аммо, бу борада ҳар  
йили гапирилгани билан,  
ҳали бирор кишининг қўли-



кўнгилдагидек бўлиши катта  
савол остида турибди. Янада  
соддароқ қилиб тушунтира-  
ди бўлса, «Бу йилги че-  
мпиион ким бўлади?» деган са-  
волга кўпчилик мутахассис-  
лар елка қисийаепти. Бу  
ўларнинг футболмизининг  
яхши билмаслигидан эмас,  
аксинча, жуда яхши билиш-  
ларидан бўлса керак. Мавсум  
бошлангидада кўтилмаган  
ўзгаришлар шу даражада кўп  
бўлдики, энди бу ёғига нима  
бўлиши номаълум бўлиб қол-  
ди.

Одатда ҳамма ўйинчи че-  
мпиион жамоа сафига интилар-  
ди, бу йил эса акси бўлди.  
«Нефтичи» сафи кучли ўйин-  
чилар билан тўлдирилган  
ҳолда, асосий таркибининг  
ярми жамоани тарк этди. Шу-

нингдек, ўтган йили чемпио-  
натда 5-ўринни эгаллаган  
«Академия» ўз-ўзидан тарка-  
тиб юборилди, ўтган йили би-  
ринчи лигага тушиб кетган  
«Сурхон» яна олий лигага  
қайтарилди. Ва ниҳоят ўтган  
йили иккинчи ўринни эгал-  
лаган пахтакорчилардан бир  
кунда жамоада факат олти  
нафари қолдирилди, кетган-  
лар ўрни эса, ёш ўйинчилар  
билан тўлдирилди. «Пахта-  
кор» келажакда ҳақиқатда  
ҳам, суперклубга айланиши  
мумкин, бироқ, бу йил уни  
чемпионлар қаторига қўшиб

даки, уй ҳам бир кунда  
қурилмади. Жамоа ҳам  
бир кунда тузилмади.  
Аммо, бу қарор биринчи  
навбатда келажакни ўйлаб  
ишланганини инобатга ол-  
сак, жуда ҳам хавотир ол-  
маслик учун асос бор.

Агар бу йил «Пахтакор»  
чемпион бўлмаса, «Нефтичи»  
эса бўлалмаса, голибликка  
ким асосий даъвогар? Ўтган  
йилги «бронза» соҳибини,  
Осиё чемпионолари кубоги-  
нинг чорак финалида муваф-  
фақиятли қатнашган Қарши-  
нинг «Насоф» жамоаси  
кўпчилигининг назарида энг  
юқори қўққини забот этиши  
учун барча асослар бордек.  
Боз устига «Нефтичи»дан фа-  
рки равишда «Насоф»нинг  
барқарор таркиби янада куч-  
ли ўйинчилар билан тўлди-  
рилди. Бирок сўнгги пайтда  
қаршиликлар боз мураб-  
бийи Баҳром Ҳақимовга Бир-  
лашган Араб Амирликлари-  
дан жуда яхши тақлим туш-  
гани ҳақида миш-миш пай-  
до бўлди. Агар у тасдиқлан-  
са, «Насоф» чемпионо бўли-  
ши ҳам катта савол остида  
қолади.

Вилотиимизнинг икки жа-  
моаси учун бу чемпионат  
ўзига хос сино бўлади.  
«Металлург»га чемпио-  
нлик рецептини тайёрлай ола-  
диган Рустам Мирсодиқов боз  
мураббий этиб тайинланди.  
«Дўстлик»ни ҳам тахрибали  
Вағиф Рустамов ва Усмон  
Асқаралиев жуфтлиги бош-  
қармоқда. Лекин, иккала  
жамоада ҳам таркиб маса-  
ласида муаммолар бор. Шу  
боис ҳам яхши натижага  
факат умид билан қараш  
керак.

Ўтган ҳафта катта қарвон  
йўлга тушиб, навбатдаги  
чемпионатга старт берилди.  
Дастлабки учрашуларданок  
қўтилмаган натижаларга  
ғувоҳ бўлишимиз мумкин:

|               |              |     |
|---------------|--------------|-----|
| 10 март       | «Металлург»  | 2:0 |
| 16 март       | «Пахтакор»   | 0:1 |
| «Самарқанд-Д» | «Машъал»     | 2:1 |
| «Бухоро»      | «Навбахор»   | 2:1 |
| «Сўғдиёна»    | «Андижон»    | 2:1 |
| «Зарафшон»    | «Металлург»  | 0:0 |
| «Қизилқум»    | «Кўкюн-1912» | 3:0 |
| «Насоф»       | «Нефтичи»    | 2:0 |
| 17 март       | «Сурхон»     | 3:1 |
| «Дўстлик»     | «Сурхон»     | 3:1 |


## КЎКЛАМ НЕЪМАТЛАРИ

Маълумки, она заминимизда 3000дан зиёд шифобахш гиёҳлар бўлиб, улар  
инсон учун ниҳоятда фойдалидир. Шу сабабли аждодларимиз қадимдан турли  
кўчатлардан ҳар хил дамлама, таомлар тайёрлашган. Бугун улардан айримла-  
рининг хусусияти тўғрисида фикр юритамиз.

Ўсимлик баргларига қўшиб, кўк сомса ва чўч-  
вара пиширилади.

Кишдан сўнг, инсон вужуди дармондорилар-  
га, органик кислоталар, минерал моддалар, фер-  
ментларга муҳтож пайтда унинг баргини овқат-  
га ишлатишнинг аҳамияти катта. Жағ-жағ ишта-  
хани очди, меъда ширасининг ажраллишини  
яқшилайди, енгил сурги ва ўт ҳайдаш хусусият-  
ларига эга.

♦ **Отқулоқ** ёввойи ҳолда тоғларнинг юқори  
қисмидан арчзорларгача бўлган жойларда, ариқ,  
дарё бўйларида ва бошқа нам ерларда ўсади.  
У асосан, Марказий Осиё (Тянь-Шань, Помир,  
Олой) тоғларида учрайди. Экилиб, ўстирилади-  
ган отқулоқ, яъни шовул бог ва полизларда

Қадимдан отқулоқ табибларда турли касал-  
ликларни даволашда қўллинади. У ангина, қон ту-  
пуришда, милк яллиғланганда, темирлатки ва бошқа тери касалликлариди-  
ҳамда ич кетишини тўхтатиш, шунингдек, сариқ  
касалигининг даволашда жуда фойдали.

Барги яна иштаха очиш, овқат ҳазм қилиши  
яқшилаш хусусиятига ҳам эга.

Ўсимлик таркибида кўп миқдорда калий,  
темир ва бошқа элементлар тузини сақлаганлик  
учун қамқонликда ва юрак-қон томирлар касал-  
ликларини даволашда қўллинади. Барги окса-  
лат кислотасига бой.

♦ Яллиз янги узилган  
ҳолда бошқа кўчатлар билан  
бирга дастурхонга қўйилади.

Улар овқатга ёқимли, иштаха  
очувчи, хушбўй хид беради  
ва қовурилган гўшти таом-  
лар таъминини яқшилайди.


Яллиз барги димланган ка-  
рам, сабзи, кўкнўхат, мева ва  
сабзавотлардан тайёрланган  
салатларга қўйилади. Сабза-  
вотларга яллиз барги солинади.

Унинг эфир майдан совуқ яхна ичимликлар,  
ликёр, шунингдек, қандолат махсулотлари тай-  
ёрлашда фойдаланилади. Халқ табибатида ял-  
пиздан овқат ҳазм бўлишини яқшилаш, кўнгил  
айниш ва қусишиш, қон оқшини тўхтатиш ва гиж-  
жаларни тушириш учун қўллинади. Баргидан  
тайёрланган қайнатма ёки унинг шираси сийдик  
ҳайдовчи, балғам қўчирувчи ва чанқоқни босувчи  
восита сифатида истеъмол қилинади. Тиш оғри-  
ганда, қайнатмаса билан оғиз чайилади. Қўтирда  
терининг касалланган жойлари ювилади. Бод,  
бугимлар оғриганда, урилган, лат ёган жойлар  
яллиз баргидан шифобахш ванна қилинади. Тери  
яллиғланганда, мушаклар оғриганда ва жароҳат-  
ларда яллиз барги ёки дамламаса намлланган бинт  
ёки доқа билан боғланади.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ тайёрлади.

## Байрам оқшомида

## «НАВРЎЗ» БОШҚОТИРМАСИ



## ЭНИГА: 3. Наврўз

таоми. 5. Кўкламда эки-  
либ, ёзда пишиб етилади-  
ган бутдой нави. 6. Шоҳ  
Жамшид томонидан Нав-  
рўзни илк бор байрам  
қилиш буюрилган давлат.  
10. Умар Хайёмнинг  
Наврўз ҳақидаги асари. 12.  
Аҳоли яшайдиган ерларда  
ўсадиган сўт ширали ўси-  
мик. 13. Баҳорда хушбўй  
қўчатлар солиб ёпилдиган  
таом тури. 14. Наврўз  
қулларида қилинадиган  
мазали таом.

Тузувчи Шавкат  
ҲИДОЯТОВ.ҚАДРИЯТЛАР –  
МУЛКИМИЗ

Турмуш, яшаш тарзи,  
иқтисодий тушунча-  
лар, жамиятда ишлаб  
чиқариш ва мулкий му-  
носабатлар қадим-  
қадимдан аждодлари-  
миз диққат марказида  
бўлиб келган.

Қомусий ёдгорлик —  
«Авесто» китобида ҳам  
жамият аъзоларини  
фол меҳнатга, табиат  
неъматларини қўпайти-  
ришга даъват этувчи  
гойлар фойдаланган.  
Сугорма деҳқончилиқ,  
хонаки чорвачилиқ  
воситасида халқнинг  
фаровон ҳаётини таъ-  
минлаш уларнинг асо-  
си ташкил этади.

Наврўз байрами кун-  
ларида «Авесто» гойа-  
ри ҳар бир хонадонда  
ўзига қониқши билан  
эсланимоқда. Боболарнинг  
ўтмиш аждодларимиз-  
нинг меҳнат ва табиат  
неъматларидан фойдала-  
ниш хусусидаги ҳикоя-  
ларини набиралар эур  
қизиқниш билан тингла-  
моқдалар. Виз бу қадри-  
ятларимизни ардоқлаб  
сақлаймиз ва мустақил-  
лик мафқураси гойалар  
билан бойитиб боравера-  
миз. Шу тариқа аждод-  
лар ва авлодлар узвий-  
лигини таъминлаймиз.

Юлдаз ШАРИПОВА,  
Тошкент Давлат  
иқтисодий  
университетининг  
учинчи курс талабаси.

Тошкент вилояти ҳокими-  
ли жамоаси ҳокимлик агро-  
саноат мажмуи масалалари  
бўйича қотибяти боз мута-  
хассиси Алишер Ортиқхўжа-  
ва виллоди муқтарамаси  
Масъуд  
Ортиқхўжаевнинг  
вафот этганини муносабат  
билан чуқур таъзия изҳор  
этади.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ  
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:  
ТОШКЕНТ  
ВИЛОЯТИ  
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир  
Фатҳиддин  
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:  
Хатлар ва оммавий ишлар  
бўлими: 133-40-48  
Эълонлар: 133-40-48,  
136-56-29.

Матбулати:  
700000, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат  
матбуот қўмитасида 8 рақами  
билан рўйхатга олинган.  
Газета «Тошкент ҳақиқати»  
тахрираты компьютер марказида  
терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирув-  
лардаги факт ҳамда да-  
дилларнинг тўғрилиги учун  
реклама ва эълон берув-  
чилар масъулдир.